

БЕЛЕУЛИ ЁДГОРЛИГИ ҲАҚИДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР

Есимхон ҚАНААТОВ

докторант

Нукус давлат педагогика институти

Нукус, Ўзбекистон

awada@mail.ru

Аннотация

Мақолада Устюртдаги ўрта асрларга оид тарихий ёдгорлик – Белеули карвон саройи тўғрисида сўз юритилади. Ушбу тарихий обида Хоразм ва Қуйи Волга ҳамда Шарқий Европани бирлаштирадиган, Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи саналган «Нўғай йўли» бўйида жойлашган бўлиб, у Хоразмшоҳлар давридан Олтин Ўрда ва Темурийлар даврига қадар муҳим савдо транзити хизматини бажариб келган. XIX асрларда ҳам кўплаб сайёҳлар, элчилар, савдогарлар ва ҳарбий-илмий экспедиция аъзолари шу йўлдан ўтиб, ёзма маълумотлар қолдирган. Матнда мазкур обиданинг барпо қилиниш тарихи, у ҳақидаги ёзма манбалар шарҳланади.

Таянч сўзлар: Белеули, карвон сарой, савдо йўли, “Нўғай йўли”, Хоразм, Олтин Ўрда.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИСТОЧНИКИ О ПАМЯТНИКЕ БЕЛЕУЛИ

Есимхон ҚАНААТОВ

докторант

Нукусский государственный педагогический институт

Нукус, Узбекистан

awada@mail.ru

Аннотация

В статье рассказывается о караван сарае Белеули – средневековом историческом памятнике на Устюрте. Это историческое место расположено на Ногайском пути – ответвлении Великого Шелкового пути, соединяющего Хорезм, Нижнее Поволжье и Восточную Европу. Эта дорога служила важным торговым транзитом со времен хорезмшахов в Золотую Орду и период Тимуридов. В XIX веке по этой дороге проходило множество туристов, послов, купцов и участников военно-научных экспедиций, оставивших письменные сведения. В статье автор комментирует письменные источники об этом памятнике, начиная с истории его строительства.

Ключевые слова: Белеули, караван сарай, торговый путь, Ногайская дорога, Хорезм, Золотая Орда.

Бепоен Устюрт кенгликлариди минг-минг йиллардан буён турли даврларга оид тарихий воқеалар ва табиат ҳодисаларини сукут сақлаб кузатиб келаётган археологик эсдаликлар кўплаб топилади. Шулардан бири Марказий Осиёни Қуйи Волгабўйи ва Жанубий-ғарбий Европа давлатлари

билан туташтириб келган, Буюк Ипак йўлининг бир тармоғида жойлашган Белеули карвон саройидир.

Жаслик темир йўл станциясидан 67 км шимоли-шарқда, 44°53'98,40” шимолий кенглик, 56°77'30,02” шарқий узунликдаги координатда жойлашган Белеули карвон саройи атрофида қабристонлар, чиғаноқтош конлари ва сардобалар мавжуд бўлиб, улар ягона археологик мажмуани ҳосил қилади.

“Сайгачий” мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси ҳудудида жойлашган Белеули карвон саройи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон моддий ва маданий меъросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Шунингдек, мазкур ҳудуд 2023 йилда Ўзбекистон иштирокидаги «Мўътадил минтақадаги Турон чўллари» трансчегаравий табиат объекти ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон табиий мероси объектлари рўйхатига киритилди.

Ҳозирги пайтда мазкур ҳудудда экотуризм мақсадларидаги масканларни ташкил этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Ўрта аср, янги давр ёзма манбаларида Белеули эдалиги тўғрисида маълумотлар жуда кам. Мароккалик буюк сайёҳ Ибн Баттута ўзининг «Саёҳатнома» (1333 йил) асарида: *“Сарайчадан Гурганджга туяга қўшилган арбаларда келишида, Устюрт паст текислигида “сахрода ҳар икки ёки уч кунлик масофада қудуқлар жойлашган, бу ёмғир ва қудуқ сувидир”* [4; 79], – деб маълумот берган. Ҳақиқатан ҳам, Белеули археологик мажмуаси ёнида ёмғир ва қор сувлари йиғиладиган тақирлик мавжуд. Шунингдек, қор-ёмғир сувларини йиғадиган 8 та сардоба ва 4 та қудуқлар мавжудлиги аниқланган. Бундан ташқари, италиялик савдогор Франческо Пегелотти савдо ишларига бағишланган «Савдогарларга амалий кўрсатма» (1310–1340) номли асарида ҳам улар келган савдо карвони *“Сарайчадан Устюрт-Гургандж йўналишида туя арбаларда 20 кунда етиб борди”* дейилади [4; 80].

Устюрт пасттекислигидаги карвон саройлар Испанияда тузилган «Каталония атласи», оғайинли Пициганилар картасида (XV аср) лотинча

атамаларда учрайди [2; 138]. Кейинчалик бу карвон йўли тармоғи «Нўғай йўли» номи билан машҳур бўлган.

Белеули археологик мажмуаси тўғрисида рус илмий экспедициялари аъзоларининг кундаликларида, ҳисоботларида ёзма маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан, П.И.Рычков 1748 йилда ёзган Оренбург топографиясига оид асарида Белеулини “Билюли-Атай” номи билан атаб: *“Худди шу тоғда (Устюрт назарда тутилмоқда – Е.Қ.), Билюли–Атой ҳудуди яқинида, ҳали ҳам катта портал ёки дарвоза, масжид ва бир нечта кичик хоналари бўлган ҳовли мавжуд. Бутун иншоот гиштан қурилган. Дарвоза ёнида чуқур қудуқ бор, унинг теранлиги 30 дан 40 саженгача келади”* [13; 277], деб маълумот бериб ўтади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида А.И.Левшин П.И.Рычковнинг маълумотларини деярли такрорлайди. У *“Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей”* асарида Белеули карвон саройи ҳақида қисқача маълумот келтиради: *“Эмбадан Устюрт орқали бошқа йўл билан, яъни Жилди тоғлари орасидан, Тасас булогидан ўтиб, Коптам йўли, Қусе (аслида Қусчи – Е.Қ.) ва Чурук қудуқлари орқали, Биляулитам харобалари, Қусбулоқ қудуғи, Ичекақўрғон йўллари орқали ўтадилар”* [5], деб Чурук ва Қўсбулоқ карвон саройларининг ўртасида Белеули карвон саройини таъкидлаб, локацияни тўғри кўрсатади.

Яна: *“Беляулиатаи, Устюртнинг ўртасида (жойлашган). Бу ерда, киргизларнинг айтишича, уларнинг авлиёларидан бири масжид ва мадраса (мактаб) қурдирган. Бу бинолар бугунги кунгача тўлиқ қулагани йўқ. Улар гиштли гумбазли тош плиталардан ясалган. Уларнинг ёнида чуқурлиги 30 сажен бўлган қудуқ бор. Бу биноларни ўраб турган девор ўзига хос қалъани ташкил этган ва тўртта дарвозаси арklar билан қопланган. Бу ҳудуд анча сезиларли баландликни ҳосил қилади”* [6], – дея тасвирланган карвон сарой ҳақида маълумот замонавий археологик тадқиқотларнинг натижалари билан ўз тасдиғини топди.

Бундан бошқа Белеули карвон саройи ҳақида П.И.Небольсин, В.В.Григорьев, А.Н.Рябинин, М.Н.Чернышевскийларнинг асарларида қисқа маълумотлар мавжуд.

П.И. Небольсин XIX асрда Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо алоқаларини таҳлил қилар экан, Устюрт пасттекислигидаги карвон йўллари ва йўл бўйидаги харобалар ҳақида маълумот беради. Жумладан, Белеули ҳақида: *“Блёвл-ота ёки Авлиё, яъни, зиёратгоҳ бутунлай сувсиз иккита қудуқдан иборат бўлиб, улар шунчалик чуқурки, тубига тош ташласангиз, бир дақиқадан сўнг тушган овози эшитилади. Қудуқлар ёнида жойлашган, уй кўринишидаги иншоот оқ ва қизил рангдаги улкан тошлардан қурилган ва ҳар бири махсус гумбазли бир нечта кичик хоналарга бўлинган. Энди уларнинг кўплари алақачон қулаб тушган. Дарвоза ёки уйнинг асосий кириш эшиги тепасида мустаҳкам тош устун мавжуд; Ушбу плита жуда яхши ўйилган”* [9;110-111], деб маълумот қолдиради.

1803 йилда Оренбург божхона идораси Уралнинг қуйи оқимидан (Сарайчик постидан) Устюрт орқали Хивагача бўлган Эски Нўғай йўлининг йўналишини ўз ичига олган “Хива хонлиги тавсифи”ни тузди. Унда Эски Нўғай йўли бўйидаги энг муҳим пунктлар кўрсатиб ўтилган. Бу хужжат шарқшунос В.В.Григорьевнинг 1861 йилда махсус нашридан кейин маълум бўлади. В.В.Григорьев Устюрт орқали ўтган карвон йўлларидаги алоҳида қудуқларнинг орасидаги масофалар ҳақида тўхталиб, Белеули қудуғи қошидаги иншоот тўғрисида ҳам эслатиб ўтади: *“Чуруқдан Блявлидаги иккита қудуқларгача 50 верст масофа мавжуд; қудуқлар гишт билан қаланган, қудуқлар ёнида битта минораси бўлган катта эски тош хона, уй каби баланд гумбазли қалъа бор. Қалъанинг ичкарасида бир нечта хоналари бўлган қўшалоқ уйлар мавжуд. Уларнинг кўп жойлари қўпорилган. Бу бино, оғзаки ривоятларга кўра, Астрахандан Хива заминиға қайтиб келган Чингизхоннинг ўғилларидан бириникидир»* [1; 112].

1892 йилда Ўрта Осиё билан Ўрол вилояти ўртасида темир йўл қурилиши бўйича лойиҳада қатнашган С.Н.Никитиннинг ҳисоботларида

хам Белеули қайд этилган: *“Йўлда Белеули қалъаси харобалари бор, қалъа қошида гўзал тош билан қопланган қудуқлари мавжуд, айтишларича, қудуқлар вайрон қилинган пайтда кўмилиб қолган; ва қуллик тузуми бекор бўлгандан кейин, уларни қайта тиклаш билан шугулланадиган ҳеч ким бўлмаган”* [10; 76].

1899 йилда Александров-Гай – Чаржов (Чоржўй) темир йўлини куриш имкониятини ўрганиш бўйича экспедицияда иштирок этган М.Н.Чернышевскийнинг қаламига мансуб *“Устюрт орқали Ўрта Осиёга”* номли кундалик дафтарида Белеули карвон саройи тўғрисида қисқача шундай ёзилади: *“Белеули – Темурланг давридан қолган вайрон бўлган қалъа, Устюрт бўйлаб ягона тош бино. Фақат дарвозаси қолган (албатта, мен уни расмга олдим). Унинг харобалари ёнида жуда чуқур қудуқлар (25 саженгача) бор эди...”* [3; 80].

А.Н.Рябинининг 1899 йилги Устюрт орқали ўтказилган экспедиция натижалари бўйича ёзган мақоласида ҳам мазкур карвон саройи тўғрисида илк маълумотлар қайд этилади: *“Белеулидаги харобалар ёнида, қуриб қолган тақирликдаги кўл бор, у бутунлай пушти-қизил оҳактош билан қопланган. Хивалик Белеули қалъаси харобалари ва унинг ҳозиргача сақланиб қолган портали Самарқанд бинолари услубида, *Cerithium sp.*, *Mastra sp.* ва бошқа каби чиганоқли сармат оҳактошларидан ясалган.*

Тошлар зовак бўлишига қарамай, янги бинолар учун яхши материал бўлиб хизмат қилиши аниқ. Қалъа эҳтиёжлари учун қазилган учта қудуқдан фақат биттаси фойдаланишига яроқли бўлиб, ундаги сув етарлича чучук. Қудуқнинг чуқурлиги (20 сажен)... Белеулидан Кос-Булоққача бўлган 52 верстлик йўл пастга қараб тенг дашт бўйлаб давом этади...” [12; 246].

1825–1826 йилларда полковник Ф.Ф.Берг раҳбарлигидаги “Қирғиз даштлари”га бўлган илмий экспедиция давомида Белеули қудуқлари қошида отрядларнинг жойлашганлиги ва қудуқларда сув мутлақо чучук эканлиги, қудуқлар жуда теранлиги, қудуқлар кум тошлардан ясалганлиги, чунки

“белеу” сўзининг маъноси қирғизчада “қайроқтош” деган маънони англатиши айтилади [11; 112, 163].

Белеули эсдалигининг карвон сарой эканлиги 1946 йилда Хоразм археологик-этнографик экспедицияси томонидан аниқланди. Авиакузатув давомида Толстов Учқудуқ, Булоқ, Қосбўлоқ карвон саройлари қаторида Белеули ҳам кашф этилди. Белеули ҳақида С.П.Толстов “бу икки қаватли мудофаа карвон саройи X–XI асрларга тегишли” деб кўрсатган [7; 170].

1945 ва 1950 йилларда мазкур эсдалиқ Хоразм археологик-этнографик экспедицияси томонидан кўздан кечирилган бўлса, 1964, 1972 ва 1978 йилларда Ўз ФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт институти экспедицион гуруҳи томонидан тадқиқ қилинди [8; 56].

Ўрта асрларда Орол-Каспий оралиғи, Устюрт кенглиги нафақат кўчманчи қабилалар жойлаган сахро бўлган, балки бу ҳудуддан минтакавий алоқа воситаси, муҳим аҳамиятга эга карвон йўллари ҳам ўтган. Марказий Устюртда XIII–XIV асрларда шаклланган Буюк Ипак йўлининг тармоғи Олтин Ўрда, Темурийлар даврида юксак ривож топган муҳим савдо йўли бўлди.

Белеули карвон саройи ушбу аҳамиятли савдо йўлида асрлар бўйи тамаддунлар алоқаси учун хизмат қилиб келган.

Қабристонликлардаги кулфитошлар, ёзувлар, тошга битилган нақшлар яхши сақланган. Мазкур эсдалиқ мажмуаси тарихимиз ҳақида бебаҳо маълумотлар беради.

Белеули эсдалиқ мажмуасида илк бор 1946–1947 йилларда археолог Сергей Толстов томонидан археологик кузатувлар ўтказилган. Эсдалиқдаги биринчи стационар қазилма ишларини ўтган асрнинг 80-йилларида нуқсулик археологлар Юра Маньолов, Муҳаммед-Шарип Қидирниязов, Базарбай Сайпановлар олиб борган.

Археологик қазилмалар натижасига кўра, Ибн Баттутанинг ва шу ҳудуддан ўтган экспедиция аъзоларининг, сайёҳларнинг юқорида қайд этилган барча маълумотлари тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам, Устюрт

текислигида Белеули карвон саройи қошида 100 гектардан ортиқ майдонда ёғин суви йиғиладиган теран тақирлик, 8 сардоба ва 4 қудуқ мавжудлиги аниқланди.

2018 йил апрель ойида биз ҳам Белеули археологик мажмуасига ташриф буюриб, эсдаликнинг ҳозирги кунги экологик аҳволи билан танишдик.

Белеули карвон саройи 1 м калин деворлар билан қўршалган. Деворлар бундан 30 млн йил аввал мавжуд бўлган Тэтис уммонидан қолган чиганоқтошлардан қурилган. Карвон саройга кираверишда эни 3.8 метрлик дарвоза бор. Бир пайтлари портал-дарвозанинг олд томонида Регистондаги Шердор мадрасасидаги каби иккита шернинг расми бўлган. Лекин, ўтган асрнинг 70–80-йилларидаёқ Белеулининг “шерлари” номаълум йўловчилар томонидан олиб кетилган, портал-дарвозанинг юқори қисмидаги арка эса қулаб тушган.

Белеули карвон саройи 19 та хона, омборхоналардан иборат. Карвон саройнинг тош деворларида палеографик ёзувлар, петроглиф-расмлар сақланиб қолган. Уларни шу ерда қўнган йўловчи, сайёҳ, савдогарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида эски лотин ҳарфларида битилган ёзувлар ҳам бор.

Карвон саройнинг шимол қисмида 200 метрдек масофада қабристон мавжуд бўлиб, у ерда араб имлосидаги сўзлар ва уруғ тамғалари битилган кулфитош ҳамда бешиктош, қўйтошлар мавжуд эди.

Эсдалик мажмуа ёнида чўпоннинг қишлоғи жойлашган бўлиб, биз учратган Есен исмли чўпон баҳор ойларида молларини Белеули карвон саройи атрофида боқар экан. Чунки, моллари карвон саройнинг шарқ қисмидаги тақирда йиғилган сувлардан ичар экан. Биз ноёб эсдаликнинг ичида моллар юрганлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Бу эса минг йиллик ёдгорликнинг поймол қилиниши эди.

Бугунги кунда Ўрта асрнинг ажойиб мероси Белеули карвон саройи инсоният меҳрига муҳтож. Эсдаликни сақлаб қолиш бўйича шошилинч

чоралар кўрилмаса, табиат инжикликлари ва одамзот таъсири туфайли яна бир бебаҳо ёдгорлик заволга учраши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковской крепости, ЗРГО, 1861. Кн II.
2. Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. – Москва, 1985.
3. Жукова Л., Левтеева Л. Дневник участника экспедиции 1899 г., занимавшейся изучением возможности прокладки железнодорожной линии Александров-Гай – Чарджоу // Вестник ККФАНУзССР, 1973. №4.
4. Кдырниязов О.-Ш., Юсупов О.Ж., Кдырниязов М.-Ш. Белеули карвон саройи (Тадқиқотлар ва экологик аҳволи) // ҚҚДУ Ахборотномаси, 2017. – №2.
5. Левшин А. И. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких гор и степей. XI. [URL:http://kungrad.com/history/biblio/galkin4/lev10](http://kungrad.com/history/biblio/galkin4/lev10)
6. Левшин А.И. Описание Киргиз-казачьих или киргиз-кайсацких орд и степей. Царство ископаемое. URL: <https://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XIX/1820-1840/Levschin/text3.htm>
7. Маньлов Ю.П., Юсупов Н.Ю. Караван-сарай Центрального Устюрта (в пределах Каракалпакской АССР) // Советская археология, 1982. –№1.
8. Материалы к своду памятников истории и культуры каракалпакской АССР. – Нукус: Каракалпакстан, 1985.
9. Небольсин П.И. Небольсин Очерки торговли России со Средней Азии. – ЗРГО, 1855, кн. X.
10. Никитин С.Н. Отчеты экспедиции 1892 г. в Зауральские степи Уральской области и Усть-Урт. – Спб, 1893.
11. Первые русские научные исследования Устюрта: Сб. материалов / Отв. ред. акад. А.Л. Яншин, Л.А. Гольденберг. – Москва: Изд-во АН СССР, 1963.

12. Рябинин. А.Н. По Прикаспийским степям и Устюрту от р Урала до устья Аму-Дарьи (Путевые наблюдения 1899 г.) – Горный журнал, т. II, февраль, Спб, 1905.

13. Рычков П.И. Топография Оренбургской губернии. – Оренбург: Типография Б.Бреслина, 1887.